



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 14 декабрь, № 259 (7217) Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПУХТА ЎЙЛАНГАН ТАШАББУСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 13 декабрь куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифини Фузур туманида барпо этилаётган Uzbekistan GTL заводи билан танишишдан бошлади. Ушбу ҳудуд яқин-яқингача қуруқ дашт бўлиб, бу ерда қурилиши мўлжалланган завод лойиҳаси тўхтаб қолган эди. Шавкат Мирзиёев бу лойиҳага оид барча масалаларни ҳал қилиб берди — Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ, «Шўртан газ-кимё мажмуасининг тоза-ланган метани негизда синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳаси бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур заводнинг қурилиш майдонига келиб, уни молиялаштириш, ҳозирги технологиялар билан жиҳозлаш, қурувчилар ва кадрлар таъминоти каби барча масалаларни чуқур таҳлил қилган эди. Худди ўша жой. Фақат бу гал манзара умуман бошқача. 135 гектардан зиёд майдонда қурилиш ишлари қизгин давом этмоқда. Темир-бетон пойдеворлар қўйилиб, эстакадалар кўтарилган. Улкан автокранлар ўрнатилиб, мураккаб ускуналарни йиғиш бошлаб юборилган. Заводнинг юраги бўлмиш «Фишер-Тропш» реактори барпо этилмоқда. Завод дунёдаги етакчи лицензиар компаниялар — «Sasol» (ЖАР), «Haldor Topsoe» (Дания) ва «Chevron» (АҚШ) технологиялари асосида бунёд этилаётди. Қурилиш ишлари бош пудратчи — Корея Республикасининг «Hyundai Engineering Co. Ltd.» ва «Hyundai Engineering and Construction Co., Ltd.», Сингапурнинг «Enter Engineering Pte. Ltd.» компаниялари томонидан олиб борилмоқда. Қурувчи ва пайвандчиларнинг кўпчилиги маҳаллий ёшлардир. Япония, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Хитой, Россия каби 21 давлатдаги 126 заводда мажмуа учун зарур 11 мингдан ортиқ технологик ускуналар тайёрланмоқда. Бундай иш ҳажми бежиз эмас. Табиий газ-

олинадиган қўшимча даромад 576 миллион доллардан ошади.

Яна бир муҳим жиҳат — йилга нефть импортига кетадиган 1 миллиард доллардан ортиқ валюта тежаллади. Завод ишга тушган, 1 минг 300 дан ортиқ кишилар иш билан таъминланади.

Президентимиз мажмуа қурилишини кўздан кечириди. Пудратчи ва инвесторлар билан суҳбатлашди. Биз ҳар томонлама мулоҳаза қилиб, 1 миллиард долларлик импорт ўринини тўлдирадиган тарихий лойиҳани амалга оширишмоқдамиз. Бу иқтисодиётимиз барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу пайтгача нефть-газ тармоғида бундай номенклатура йўқ эди. Бу ерда ёқилги ишлаб чиқариб, бензин таннархини туширсак, одамлар лойиҳа самарасини ўз кўндалик ҳаётида сеза бошлайди, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мутахассислар, техника ва ресурслардан максимал фойдаланиб, қурилиш-монтаж жараёнларини оқилона мувофиқлаштириш, заводни ишга туширишни тезлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни имкон қадар эртaroқ йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Уни фойдаланишга топшириш муддатини қисқартириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берди.

Ушбу завод Шўртан газ-кимё мажмуасига яқин жойлашгани умумлашган инфратузилма объектлардан фойдаланишга қўлайлик яратди. Бу ерда яна бир лойиҳа — Шўртан газ-кимё мажмуасининг қувватини 125 минг тоннадан 505 минг тоннагача ошириш режалаштирилмоқда. У GTL нафтани қайта ишлаб, янги турдаги полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришни кўзда туттади.

Бундай ишлар нефть-газ соҳасида биринчи кластер яратиш имконини беради. Ушбу корхоналар келгусида кимё, автомобилсозлик, туризм, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентимиз Яқабог туманида «Sag agro Yakkabog» маъсулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилаётган ёнғоқзор ва бодомзорларни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 июндаги «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда жорий йил январь ойидаги Қашқадарёга ташрифи давомига берган топшириқлари асосида туманда «Sag agro Yakkabog» МҶК томонидан 25 миллион сўм маблағ эвазига 1 минг 140 гектар майдонда ёнғоқзор ва бодомзорлар ташкил этилмоқда. Айни пайтда 700 гектар майдонда ёнғоқнинг «Chandler», «Cisco» ва бодомнинг «Avjori», «Guara» навли қўчатлари ўтказилди. Келаси йили яна 440 гектар майдонда мазкур дарахт қўчатлари экилади. Ёнғоқзор 4 йилда, бодомзор 3 йилда ҳосилга киради.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ЯҚДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

2018 йилнинг 12 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида «Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида»ги махсус резолюция қабул қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Ушбу муҳим воқеа дунё оммавий ахборот воситалари, нуфузли экспертлар томонидан кенг эътибор энтиляпти. Хусусан, хорижий ОАВда янграётган фикрларга қўра, янгилаштириш даврига ўтган Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори изчил ортиб бормоқда.

Япониянинг «Asahi Shimbun» газетасида ушбу мавзу юзасидан чоп этилган мақолада Ўзбекистон ташаббуси ва ўзбек дипломатиясининг фаол чора-тадбирлари натижасида қабул қилинган резолюция БМТ доирасида қабул қилинган қатор муҳим ҳужжатлар, шу жумладан, БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умум-жаҳон декларацияси, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла мос келади.



The Asahi Shimbun

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ Тўғрисида

АХБОРОТ

2018 йил 13 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисин Олий Мажлис Сенати Раиси Ниғматилла Йўлдошев олиб борди. Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан сўнг сенаторлар кўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар. Парламент аъзолари ишни Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадили жағмарларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сис-теманинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар ўз чиқишларида мамлакатимизнинг келгу-

(Давоми 3-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ

NATIONAL REVIEW
Чикагода чоп қилинадиган «National Review» таҳлилий журналида қайд этилишича, Ўзбекистон 1992 йили БМТга аъзо бўлиб, 1993 йилдан бунён Тошкентда ушбу глобал тузилманинг ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, сўнгги икки йил Ўзбекистон БМТ доирасида жадал ва проактив иштирок этган давр бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг давлат бошқарувида келиши ўзбек дипломатиясининг кўп томонлама тузил-

한국일보 THE KOREA TIMES
Жанубий Кореянинг «The Korea Times» газетаси муҳбирлари Ўзбекистон етакчисининг глобал ташаббус-

лари муносиб кутиб олинаётганини эътироф этади. Бу борада, жумладан, Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Циндао шаҳридаги саммитида илгари сурган тақлиф натижаси ўларoқ, ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма муносабатини қабул қилингани ҳам эслатиб ўтилади. Коллажерга, жорий йилнинг июнь ойида БМТ Бош Ассамблеяси «Марказий

REPORT INFORMATION AGENTLITY
Озарбайжоннинг «Report» ахборот агентлиги тарқатган хабарда қабул қилинган ҳужжат дунёда диний бағрикенглик ва ўзарo ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, диний эркинликларни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилиши ҳақида фикр билдирилади. Резолюция талим-тарбиянинг ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик ва тинчликпарварлик фаолиятини кулайтириш, илм-фан ҳамда тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш каби чороларни ҳам ўз ичига олган. Бу борада муайян тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилган.

The Times of Central Asia
Founder & Publisher Giorgio Fiacconi since 1999
«Ўзбекистонда экстремизм гоғялари таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, соғлом ҳаётга қайтаришда инсонпарварлик, кечиримлик ва бағрикенглик тамойиллари асо-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT BOSHCARUVIGA RAQAMLI IKTISODIYET, ELEKTRON HUKUMAT XAMDA AXBOROT TIZIMLARINI JORIY ETISH BUYICHA QUSHIMCHA CHORA-TADBIRLAR TUGRISIDA

(Davomi. Boslanishi 1-betda).

2. Белгилаб қўйилсинки: “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётнинг ажралмас тарқийб қисми ҳисобланади;

Агентлик **электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда ваколатли орган ҳисобланади**, ушбу соҳада ягона давлат сийбосини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ун масъулдир;

Агентликнинг электрон ҳукумат соҳасида, шунингдек, давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича ў ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш республиканинг барча вазириликлари, идоралари ва ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади;

давлат бошқарувида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар, шунингдек, бундай лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентликда экспертизадан ўтказилиши шарт;

Агентлик рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича вазибаларни амалга ошириш доирасида халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари билан бевосита тўра ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг таъйинловчи қарорлари билан биргаликда:

ҳозирги кунда “Электрон ҳукумат” тизими доирасида амалга оширилмаган идоралар ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларининг ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги бошқа лойиҳаларнинг (кейинги ўринларда — лойиҳалар) амалга оширилиши ва молиялаштирилиши тўғрисида қўйилсин;

бир ой мuddатда лойиҳаларни тўлиқ хатловдан ўтказсин ва яқиний натижалари бўйича Агентликка ахборот киритсин.

4. Агентлик:

а) 2019 йил 1 апрелга қадар амалга оширилмаган лойиҳаларнинг танқидий қўриб чиқилишини ҳамда мақсадга мувофиқ, долзарб, республикада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсад ва вазибаларига мос келадиган лойиҳаларнинг давом эттирилишини таъминласин;

б) 2019 йил 1 майга қадар қўйидагиларни назарда тутадиган “**Электрон ҳукумат**” тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясига киритилишини таъминласин;

электрон ҳукуматнинг давлат, аҳоли ва бизнеснинг самарали ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек, жажоннинг рақамли маконига интеграциялашувини таъминлаш бўйича ягона миллий тизим сифатидаги мақсадли аҳамиятини белгиласин;

“Электрон ҳукумат” тизимининг тарқиб ва таъминласин, уни яратиш шартлари ва архитектурасининг концептуал асосларини, жумладан, ташкилий, функционал, техник таъминласин, шунингдек, асосий рақамли активлар рўйхатини аниқ белгиласин;

электрон ҳукуматни яратишнинг асосий принциплари ва функционал вазибаларини, электрон ҳукумат имкониятларидан фойдаланган ҳолда рақамли трансформацияга эришишнинг аниқ кўрсаткич ва индикаторларини белгиласин;

электрон ҳукуматни яратишнинг ҳуқуқий ва ташкилий-техник чораларини, жумладан, рақамли трансформация жараёнларини таъдиқ этиш методологиясига, уларнинг ўзаро мувофиқлигига, ахборот соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик, маълумотлар алмашиш протоколлари ва форматининг ўзаро мослигига доир талабларни белгиласин;

шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва узатишда ахборот хавфсизлигини таъминласин;

“Электрон ҳукумат” тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш механизмлари ва бошқаруви назарда тутилсин;

“Электрон ҳукумат” тизимини жорий этишда унинг самардорлигини ва шаффофлигини оширишни таъминласин, жумладан, лойиҳалар бўйича ягона миллий дистрибуторни ташкил этиш орқали яхлит жараённи (ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, қилиш, лойиҳалар бўйича товарлар, ишлаш, хизматлар харид қилиш, шунингдек, уларни фойдаланишга топширишнинг ягона тизимини) барпо этиш;

Агентлик негизда бошланч лойиҳа сифатида электрон рақамли имзо инфратузилмасининг намунавий элементини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишсин.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли қарорига мувофиқ Агентлик томонидан “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан биргаликда барча

давлат хизматлари фақатгина операторнинг маълумотларини қайта ишлаш марказлари орқали қўратилишини таъминлашни назарда тутадиган 2019 — 2021 йилларда “Universal Mobile Systems” МЧЖни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 майига қадар маълумотларга ишлов бериш марказларида бўлган ахтёв ва уларнинг жойлашуви тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясига тақлифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 18 апрелдаги ПҚ-3673-сонли қарорига мувофиқ Агентлик томонидан алоқанинг, шу жумладан, хорижда бўлиш вақтида, **махфийлиги, тежорилги, хавфсизлиги ва телекоммуникация хизматларига сарфланадиган бюджет маблағларининг тежаллигини таъминлайдиган ҳукумат мобил алоқаси тизимини** (кейинги ўринларда — тизим) ишла тузириш, синаш ва ундан таъриба тариксида фойдаланиш ишлари бажарилди.

Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу тизим давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари, ҳодимлари учун ўз хизмат вазибаларининг бажаришда фойдаланилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Агентлик Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг ўз хизмат вазибаларининг бажаришда тизимдан фойдаланиши мажбурий бўлган ҳодимлари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясига киритсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-5120-сонли қарорига мувофиқ яратилган Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими Агентлик томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича ушбу тизимнинг барча иштирокчилари томонидан фойдаланилиши мажбурий ҳисобланади.

Рўйхатга киритилган вазирлик ва идоралар ҳуқуқ эгаларининг тегишли лицензияларисиз дастурий маҳсулотлардан фойдаланишга йўл қўймасдан, маълумотларнинг белгиланган протокол бўйича платформа форматда тақдим этилиши ва тизимга киритилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

икки хафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг алоқа билан таъминлашга 2018 йилги ва 2019 йилга мўлжалланган харажатлари тўғрисида вазирлик ва идоралар кесимидаги ахборотни Агентликка тақдим этсин;

ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг халқаро алоқа учун 2019 йилга мўлжалланган харажатларининг қайта қўриб чиқилишини таъминласин;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ушбу Фармонни амалга ошириш доирасидаги тадбирларни молиялаштиришга маблағ ажратилишини назарда тутсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлик билан биргаликда:

бир хафта мuddатда — “Электрон ҳукумат” тизимидан фойдаланиш мақсадида фойдаланувчиларнинг мажбурий тартибда идентификация қилинишини назарда тутган ҳолда Интернет тармоғидан симсиз фойдаланиш бўйича оммавий нуқталар тўғрисидаги низоом лойиҳасини;

бир ой мuddатда — ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатларини, шунингдек, унинг таъминласин қайта қўриб чиқиш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат боқона қўмитаси икки ой мuddатда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш доирасида товарлар киритиш учун алоқида боқона амбори ташкил этилишини таъминласин.

12. Агентлик Адлия вазирлиги ва Бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қўриб чиқиш ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмуриятига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъмуриятининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Агентлик директорининг биринчи ўринбосари Д. Р. Ли зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙШИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI KUROLLI KUCHLARI TASHKIL ETILGANLIGINING 27 IYLLIGI XAMDA VATAN QIHOYACHILARI KUNINI NIHOHLASHGA TAYYERLARLIK TUGRISH VA UTKAZISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA

(Davomi. Boslanishi 1-betda).

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан қиҳоичилари кунини нишохлашга тайёргарлик қилиш ва ўтказишга бағишланган ватанпарварлик ойлигини 2018 йил 15 декабрдан 2019 йил 15 январга қадар ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ватан қиҳоичилари кунининг кенг нишохлалишини таъминлаш давлат ва жамоат ташкилотларининг биринчи навбатдаги вазибаларидан бири ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фўдерациянинг шарафли бурчи деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан қиҳоичилари кунига бағишланган тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) тарқиб 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ ҳарбий-маъмурий секторлар билан ҳамкорликда:

Дастурда белгилаб берилган байрам тадбирларини “**Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!**” деган умумий гоя остида ташкилий жиғатдан юксак савияда амалга оширилишини;

байрам тадбирларига кенг аҳоли қатламларини, айниқса, ёшларни жалб қилган ҳолда ушшоқлик билан тайёргарлик қилиш ва сифатли ўтказиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фўдеролик жамаияти институтлари, ҳўжалик юртувчи субъектлар ва таълим муассасаларининг ҳудудларда жойлашган ҳарбий кўш ва муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилинишини;

давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари томонидан ўзлари тақсил олган олий таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида

“**Мардик ва жасорат**” мавзусидаги дарслар ўтказилишини; ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фўдеролик жамаиятини шакллантириш ва ривожлантириш, Ватанизмнинг гуллаб-яшнашида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг ўрни ҳамда Ватан қиҳоичилари кунини байрамнинг фўдеролиримиэ ҳаётида тутган аҳамиятини Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсонга ва ҳар бир оилга етказишни таъминласин.

4. Ҳарбий-маъмурий сектор раҳбарлари:

Дастурда белгиланган тадбирларни жойларда ўтказиш бўйича вазибаларни уларнинг зиммасига юкланган ҳолда Ватан қиҳоичилари кунига тайёргарлик қилиш ва ўтказиш бўйича ҳудудий ташкилий қўмиталарни тузиш ҳамда уларга шаҳсан раҳбарлик қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри микўсёида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан қиҳоичилари кунига бағишланган тантанали йўналишлар, концерт дастурларини ва бошқа байрам тадбирларини ўтказиш графикаларини ишлаб чиқин ҳамда ўтказилаётган тадбирларда аҳолининг барча қатламлари вақиллари, ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этишини таъминласин; давлат муқофоти билан тақдирланганлар, ўз касбининг устаси унвонини учун ўтказишнинг қўриқлатиливнинг республика босқини қилибларни ҳамда уларнинг хизмат қилишида тўри натижаларини қўлга киритган ҳарбий хизматчиларни қўллаш бўйича тантанали байрам тадбирларини ўтказсин;

ҳарбий ватанпарварлик йўналишида энг яхши маҳалла, энг яхши “Жасорат” клуби, энг яхши ҳарбий қўшнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошқаруви ташкилоти ва энг яхши бошланч чакўруга қадар тайёргарлик қўштавчиси танловларининг ўтказилиши ва қилибларнинг рағбатлантирилишини таъминласин;

қўчалар, майдонлар ва тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан қиҳоичилари кунига бағишланган плакат ва стендлар билан байрамона безатилиши, шунингдек, маданият ва истироҳат болғарида мавзуга доир қўргазма ва экспозициялар тайёрланишини ташкиллаштирсин;

тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни давом эттирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюмчаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва “Ўзбекистон” Миллий агентлиги Амир Темур, Жалолиддин Манғуберди, Захриддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда ва аждодларимизни, шунингдек, ҳазратларимиз билан қилган турли ижтисолийларига ҳарбий хизматчилар ва замонашларимизни юксак ватанпарварлик, фидойилик ва сарқатқиликларини очиб беришнинг, руҳлантирувчи шеърлар ва кўилар, кино, театр ва тасвирий сўнаёт асарларини тайёрлаш ва намойиш этиши ишларини жадаллаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати “Энг илгор сержант”, “Энг илгор гуруҳ командири”, “Энг илгор вазод командири”, “Энг илгор батальон командири”, “Энг илгор бригада командири”, “Энг илгор қўшилми”, “Энг илгор олий ҳарбий таълим муассасаси” ва “Энг илгор мудофаа ишлари бошқармаси” номинаторлари бўйича ўз касбининг устаси унвонига ўтказилган республика танлов яқумларини чиқарсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон

Республикаси Миллий гвардияси билан ҳамкорликда тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойлардаги жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ўтказилаётган байрам тадбирларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини, Қуролли Қучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек, армиядаги ҳарбий хизматнинг нуфузини оширишга қаратилган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишланган мақолалар, туркум телекўрсатув ва радиосўзштиришлар ташкил этилишини таъминласин.

9. Вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари Дастурни амалга ошириш бўйича бошқаруш ҳужжатларини ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қўшимчида таққорланмаган бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширсин.

10. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши қотиби В. В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 декабрь

ПУХТА ЎЙЛАНГАН ТАШАББУСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Davomi. Boslanishi 1-betda).

Мазкур боғ тўлиқ барпо этилган, йилга 7 миғ тоннага яқин маҳсулот олинади. 500 кишининг бандлиги таъминланади. Етиштирилган маҳсулотнинг 60 фоизини экспортга чиқариш қўзда тутилган.

Президентимиз замонавий иссиқхона фаолияти билан танишиди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Мамаляк иқтисоди ривожга, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган бундай иссиқхоналар тармоғини янада кенгайтириш лозимлиги қайд этилди.

Шу ерда Қашқадарь виллоятда 2019-2020 йилларда иссиқхоналар ташкил этиш, Чирчиқ туманида лалми майдонларда полиз экинлари етиштиришни қўйатириш, виллоятда аҳоли томорқасидан фойдаланишини яхшилаш каби қатор лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги қарори билан тасдиқланган дастурга асосан, Қашқадарь виллоятда энгил саноат тармоғида 10 дан зиёд йирик истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. Утган даврда уларнинг айримлари доирасида ишлар ақунланиб, янги қорхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Қарши шаҳридаги “Sulbon tex group” қорхонаси аша шулардан биридир.

Мазкур қорхона жойлашган ҳудуд бундан икки йил муқаддам соибқ пахта заводида қарашли қаровис ерлар эди. Давлатимиз раҳбарининг аввалги таширфлари чоғида Қашқадарь виллоятда амалга оширилганда энгил саноат лойиҳалари қаторида “Sulbon tex group” қорхонасини барпо этиш ҳақида ҳам маълумот берилган эди. Асосий мақсади пахта толасини чуқур қайта ишлаш орқали ташқи бозорда талаб юқори бўлган тайёр тўқимачилик ва тиквур-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлган мазкур қорхона виллоятда энгил саноат тармоғини ривожлантиришда муҳим лойиҳалардан бири бўлади.

Утган даврда лойиҳа учун Ташқи иқтисодий фойлият миллий банкининг 10,4 миллион доллар кредити ва қорхона таъсисчисининг 6,6 миллион доллар ип ишлаб чиқариш қорхонасини қўриш бошқарилиб, Жорий йил бошда лойиҳанинг дастлабки босқичи — йилга 7 миғ тонна қалава ип ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика ишга туширилди.

Президентимиз виллоятга таширфи давомида ушбу қорхонада бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Пахта толали қалава ип ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган мазкур қорхонада Швейцария ва Япониядан келтирилган энг сўнгги русумдаги тозалаш, йиғириш ва ўраш ускуналари ўрнатилган бўлиб, бу ерда 300 га яқин ишчилар деярда қилимоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида қорхонада 5 миғ 800 тонна қалава ип ишлаб чиқарилди. Шундан 12 миллион долларлик маҳсулот Польша, Туркия, Эрон, Миср каби 10 га яқин мамлакатларга экспорт қилиниб, 50 миллиондан сўмлик маҳсулот ички бозорга етказиб берилди.

Қорхонада толали тозалашдан тортиб, ўрашгача бўлган барча жараён автоматик тарзда бошқарилади. Лабараторияда тола ва ип сифати қаттиқ назоратта олинди.

Давлатимиз раҳбари ушбу лаборатория фаолиятини ҳам қўздан кенерди, ишчилар билан суҳбатлашди. Президентимизнинг таширфи доирасида

лоийҳанинг иккинчи босқичи — йилга 3 миғ тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга тўқув фабрикаси фаолиятига старт берилди.

Таъкидлаш жоизки, умумий қиймати 53 миллион доллардан зиёд бўлган қорхонанинг навбатдаги босқичларида мато тўқиш, уни бўиш, тайёр қийим-кечак ишлаб чиқариш режалаштирилган. Жумладан, тикув маҳсулотлари ва тайёр қийим-кечак ишлаб чиқариш фабрикаси 2019 йил январь ойида ишга туширилади. Ушбу лойиҳанинг қиймати 3 миллион доллар бўлиб, Европанинг илгор ишлаб чиқариш ускуналари асосида ишлади. Фабрика ишга тушиши натижаида 700 га яқин янги иш ўринлари яратилиб, йилга 9 миллион дана тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Этиборли жиғати, бугунги кунда қорхонада энг самарали иқтисодий тизим бўлган пахта тўқимачилик кластери ташкил қилиниб, бунинг учун Қарши тумани ҳудудида 10 миғ гектар ер майдон ақратилган. Пахта етиштиришдан бошқача, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот қилиб сотишгача бўлган жараён ушбу қорхонанинг ўзида амалга оширилади. Бу маҳсулот таннархи арзонлашиши ва сифат даражасининг ошишига олиб келади, виллоятда жаҳон бозорида рақобатбардод тайёр тиквур-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Шавкат Мирзиёев қорхонанинг кейинги босқичларини тез ва сифатли амалга ошириш, тайёр маҳсулот турларини ва экспорт географиясини янада кенгайтириш, пахта тўқимачилик кластерини тоқимиллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Шу ерда Сингапурнинг “Индорам” компанияси томонидан Қашқадарь ва Сирдарь виллоятларида пахта тўқимачилик кластерлари ташкил этиш, мамлакатимизнинг Польша, Эрон, Буюк Британиядаги элчиқоналарини томонидан Қашқадарь виллоятга хорижий инвестицияларини жалб этиш, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, хизмат қўратиш соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган режалар тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз 2017 йил 24-25 февраль кўнлари Қашқадарь виллоятга таширфи чоғида Қарши шаҳрида қуриладиган Республика иқтисослаштирилган эндоқринология ҳамда Республика иқтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказларининг лойиҳаси билан танишиб, бу филиалларнинг ташкил этилишидан мақсад ҳорига янада кўпроқ қўйалиғи яратиш эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Қисқа вақт оралиғида мазкур лойиҳалар асосида жадал қурилмиш ишлари бажарилди, илгари фойдаланилмағ турган ҳудуд туташ жойлашган марказ филиаллари атрафи ободонлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда беморлар учун яратилган шартларлар, тиббий асбоб-ускуналар, малакали қадрлар таъминоти, замонавий диалог усуллари билан танишди.

Филиал нафарат қашқадарьликлар, балки бошқа виллоятлар ва қўшни республикалар аҳолиси учун ҳам хизмат қилади.

120 ўринли Республика иқтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида реабилитация ва юрак ишемик касалликлари, сурүнқали юрак етишмовчилиги ва аритмиялар, артериал гипертензия, рентген-эндоваскуляяр жарроҳлик, кардиокарроҳлик, қабул-

диагностика каби бўлимлар, қўнлик 100 қатновга мўлжалланган поликлиника фаолияти йўлга қўйилди.

Марказ юрак-қон томир касалликларига ташхис қўиш ва даволлаш учун зарур барча замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу асбоб-ускуналардан самарали ва тўғри фойдаланиш қийинла муҳимдир. Бунинг учун замонавий тиббиёт илминини чуқур ўзлаштириш, тақрибли ва ўз касбининг фидойи мутахассислари зарур.

Марказга юрак-қон томир касалликларини даволлаш учун тақрибга эга, Россия, Германия каби давлатларда тақсил олган, малака оширган шифокорлар жалб қилинган. Улар ўз тақриблари ва билимларини виллоятдаги ҳамкасбларига ҳам ўргатади.

Бу ерда коронарография, венстрикография, томирлар ангиографияси, коронар томирларни стентлаш, балоничи вальвулопластика, бўлимчаларо ва қоринчаларо тўсик нуқсонларини окклюдер ёрдамида бартарф этиш, аортакоронар шунтлаш, юрак орттирилган нуқсонлардан қлапанларни протезлаш, аорта ва унинг шохларида, юрак тумна нуқсонларида қилинадиган жарроҳлик амалиётлари бажарилди.

Шу қўнғача ҳудудда эндоқринология хизматини қўратадиган бош муассаса — виллоят эндоқринология диспансери бўлиб, у 1980 йилда ташкил этилган, ишлаш тизими ҳамон эскича эди.

Республика иқтисослаштирилган эндоқринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, эндоқринология касалликка қалинган беморлар энди шу ерда даволланади. Диабетик нефропатия, умумий эндоқринология ва болалар, қалқонсимон без касалликлари ва эндоқрин жарроҳлик, диабетик тўпик жарроҳлиги, лаборатория-диагностика каби бўлимлари 50 қатновга мўлжалланган поликлиникани ўз ичига олган марказда йилга 700 — 800 жарроҳлик амалиёти ўтказилиши қўзда тутилмоқда.

Филиалнинг малакали мутахассислар билан таъминлашга ҳам алоҳида этибор қаратилган. Икки нафар шифокор хорижда малака ошириб қайтди. Бу ерда амалга оширилган асосий энгилчилардан бири Диабет мактаби фаолияти йўлга қўйилганидир. Мактабда малакали ҳамширалар қандли диабетта қалинган беморларга ўз-ўзини назорат қилиш, касаллигининг келиб чиқиш омиллари, унинг олдини олиш йўллари, болаларга эса он бирлигига асосан тўри овқатланиш тартиби ўргатилади.

Шавкат Мирзиёев мазкур тиббиёт муассасаларига малакали мутахассисларни жалб қилиш, аҳолига тиббий хизмат қўратиш қарорини ва сифатини янада ошириш юзасидан топширди берди.

Қарши шаҳридаги ушбу филиаллар бошқа виллоятларга намуна бўлиши керак. Бунинг учун, аввало, аҳолининг тиббий миданиятини ошириш зарур. Асосий мақсадимиздан бири — халқимизда сифатли тиббий хизмат қўратиш тизимини тоқимиллаш қилиш. Бунинг учун биз барча имкониятимизни сарфларб этишимиз. Тони бу ислохотларимиз самарасини халқимиз бугун, қўнлик ҳаётида сезсин, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг Қашқадарь виллоятга таширфи давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАХРАМОНИ НИКОЛАЙ КУЧЕРСКИЙ

Ўзбекистон кон-металлургия тармоғи фахрийси, Навоий кон-металлургия комбинатининг собиқ Бош директори Николай Иванович Кучерский 81 ёшида вафот этди.

Николай Кучерский 1937 йили Украинада туғилган. 1961 йилда Днепронетровск кончил институтини тоғ-кон муҳандиси мутахассислиги бўйича битирган. Шу йили Учқўдўқ шахрида тоғ устаси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаб, участка бошлиғи, қарьер бошлиғи, бош муҳандис, сўнг Марказий руда бошқармаси директори лавозимларига ишлади.

Н. Кучерскийнинг бугун меҳнат фаолияти Ўзбекистоннинг уран ва олтин қазиб олиш саноати билан боғлиқ.

Ишлаб чиқариш соҳасини пухта билиши, улкан тақрибаси туғайли мамлакатимиз кон-металлургия тармоғининг йирик лойиҳаларига раҳбарлик қилди. 1985 йилда Навоий кон-металлургия комбинатининг Бош директори этиб тайинланди.

Н. Кучерский Бош директор лавозимида бор қўнғайратини, билимини олтинчи оқиқ усулда қаз

ОЙЛИК МАОШ ҲАМ, ПЕНСИЯ ҲАМ

ТЎЛИҚ ТЎЛАНАДИ

Айни пайтда юртимизда 3 миллион 87 минг 265 нафар пенсионер бор. Уларнинг аксарияти оила даврасида умргузаронлик қилаётган бўлса, шундан 100 минг нафардан зиёди турли соҳаларда фаолият юритмоқда. Бироқ шу пайтгача ҳамма пенсионер ҳам ишлашдан бирдек манфаатдор эмас эди. Сабаби пенсионерларнинг барчаси ҳам ойлиги ва пенсиясини тўлиқ миқдорда ололмади.

пенсионер иш билан машғул. Шундан 40 минг нафари пенсия пулини тўлиқ ҳажмда, қолган 78 минг нафардан ортиғи эса тенг ярмини олади.

Президентимизнинг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ана шу моддий манфаатдорликни ошириш билан бирга, яна қатор ижобий ҳолатларга тўртки беради.



Ишловчи пенсионерлар

Тўлиқ пенсия олувчи — **40 000** нафар
50 фоиз пенсия олувчи — **78 736** нафар

Пенсия ҳисоб-китоб қилишда иш ҳақининг максимал миқдори

ЭКИХ

8
баробардан

10
баробарга

оширилди

Шухрат ДАВРОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари:

— Мазкур Фармон билан пенсионерларни икки томонлама қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Биринчидан, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсия ёшида меҳнат қилаётган барча ходимларга ойлик маоши билан бирга, пенсияси ҳам тўлиқ тўланадиган бўлди.

Иккинчидан, пенсияни ҳисоб-китоб қилишда иш ҳақининг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача оширилади. Яъни пенсионерларга кўшимча равишда ўртача 65 мингдан 250 минг сўмгача бўлган миқдорда пенсия пуллари берилади. Ушбу харажатлар Пенсия жамғармаси бюджетидан амалга оширилади.

Бугун тармоқларни жадал ривожлантириш жараёнида ёш, ғайратли, билимдон, янгилликка чанқоқ кадрлар сув ва ҳаводек зарур. Таълим соҳасида олиб борилаётган

ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам шу: замонавий ва малакали кадрларни тайёрлаш. Бироқ уларга йўл-йўриқ кўрсатадиган, ўзининг кўп йиллик бой тажрибаларини ўргатиб, устозлик қила оладиган соҳа усталарининг кўпи пенсия ёшида. Фармон ана шундай етук мутахассисларни касбига қайтариш, бой тажрибаси ва илмий салоҳиятини соҳалар ривожига жалб қилиш, ўз ортидан ёш кадрларни эргаштириши учун улкан имконият яратиб бермоқда.

Барно МУҲАММЕДОВА, пенсионер:

— Президентимиз Фармони биз каби пенсионерларга кенг имконият яратмоқда. Энди ҳам ойликни, ҳам пенсиямизни тўлиқ оладиган бўлишимиз керак. Бу маблағлар оиламиз бюджетига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Дарвоқе, пенсия таъминотидаги мазкур ислохотлар халқро меҳнат бозоридан талабларга ҳам тўла мос келади. Унга кўра, ёшга доир пенсия тўлови фуқаро йўқотадиган даромадининг камида 40 фоизини қоплаши талаб этилади. Пенсиядаги янги тартибимиз ушбу нормага мос келади.

Ботир АЛИМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги илмий маркази директори:

— Маҳаллий меҳнат бозорига малакали ва тажрибали кадрларга етарли иш ўринлари мавжуд. Фармон билан айрим чекловлар олиб ташланди. Бу адолат нуқтаи назаридан ҳам жуда тўғри иш бўлди.

Хўлоса қилишдан олдин АҚШнинг Орегон штати университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига тўхталиб ўтсак. Маълумотларга кўра, пенсия ёшидаги кишиларнинг бир кунда 10 — 12 соат меҳнат қилиши уларнинг чарчасига эмас, аксинча, умри узайишига сабаб бўлар экан. Қолаверса, ишлаётган пенсионерларнинг орасида қариллик билан боғлиқ касаллик алوماتлари бир неча фоиз камроқ кузатилиши ойдinлашди. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ушбу Фармоннинг аҳамияти ва моҳиятини шундан ҳам билиб олиш мумкин.

Бош прокуратура ҳузуридаги Аxbopот-таxлиф мулътимедиа маркази материаллари асосида **Раҳим ШЕРҚУЛОВ** тайёрлади.

БОЖХОНА хабарлари

Қонунни четлаб ўтишга йўл қўйилмайди

Қорақалпоғистон Республикасининг "Доут-ота" чегара божхона постида фуқаро Х. С. бошқарувида бўлган автомашина божхона кўригидан ўтказилганда, 45 миллион 435 минг сўмлик 618 дона парфюмерия ва 8 литр спирт махсулотлари ноқонуний равишда олиб кирилатгани аниқланди.



Мазкур ҳолат юзасидан текширув олиб борилмоқда.

Ўзи қолиб, ўзгаларни ишга солган

Андижон вилоятининг "Дўстлик" божхона постида фуқаролар кўмағида товарларни ноқонуний равишда олиб киришга уринган шахснинг ҳаракатига чек қўйилди.

У икки турдаги сифати кафолатланмаган қандолат махсулотларини божхона пости ташқарисидан автотураргоҳда ўзи олдиндан келишиб қўйган фуқаролардан қабул қилиб, "Нексия" автомашина-

сига ортаётган вақтида фож қилинди. Қиймати 6,2 миллион сўмлик ширинликларнинг яширинча олиб кирилиши ҳамда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олди олинди.

"Автомашина рақамини алмаштириш" операцияси

Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Мамай қишлоғидаги айланма йўлда ўтқаб турган, фуқаро Э. Б. бошқарувида бўлган, қўшни давлат рақамига эга "BA3-2106" русумли автомашина ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди.



Ойдинлашдики, автоулов аслида Ўзбекистон Республи-

каси давлат рақамига эга бўлиб, унинг салони ва юкюнасида муҳаддам қўшни мамлакатдан айланма йўллар орқали олиб кирилган, қиймати 7,5 миллион сўмлик банан, нок ва қувватли ичимликлар ортинган экан. Шу тариқа "Автомашина рақамини алмаштириш" операцияси фож қилинди.

Ўқ-дорилар тўхтатиб қолинди

Тошкент вилоятининг "Ғиштқўприк" чегара божхона постида фуқаро Г. З. нинг қўл юклари орасида божхона ходимларининг оғзаки сўрови ҳамда йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган 11 дона 12 калибри гильза, оғирлиги 3,2 кг. бўлган қўргошин ўқлар ҳамда 231 гр. пробкаларни қўшни давлатдан олиб киратгани маълум бўлди.

Шу ернинг ўзига фуқаро М. Я. га тегишли бўлган "Chevrolet Lacetti" русумли автоулов ҳолислар иштирокида божхона кўригидан ўтказилганда, машинанинг салон қисмидаги магнитофон остида жойлашган тортмасидан 1 дона 9 мм.ли, ташқи кўринишидан "Макаров" тўпқончаси учун мўлжалланган жанговар ўқ борлиги аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси аxbopот хизмати материаллари асосида **Ш. БЎТАЕВ** тайёрлади.

Хавфсиз туризм

Хорижлик сайёҳ нимадан мамнун?

Бухорога сайёҳат қилган бангладешлик Шибли Аҳмед ижтимоий тармоқдаги сарҳаси орқали вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларига миннатдорлик билдирди.

Гап шундаки, мазкур бошқарма ходимлари жойларда хавфсизликни таъминлаш баробарида, хорижлик меҳмонларга таржимонлик ҳам қилишмоқда.

Дарвоқе, шаҳарнинг 32 жойида ўзбек, рус, инглиз тилларида йўл кўрсатувчи белгилар ўрнатилган, ўндан зиёд ерда Wi-Fi, 4 аxbopот хизмати ҳамда

валюта айирбошлаш шохбонаси ишлаб турибди. Мавжуд 167 меҳмонхона электрон тизимга уланган. Маълумотларга қараганда, шу йилнинг ўтган даврида Бухорога 143 мингдан зиёд хорижий сайёҳлар ташриф бўлган.

Истам **ИБРОҲИМОВ**, "Халқ сўзи" мухбири.

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банкнинг «Янги йил совғаси» тиражли, пул-буом ютуқли лотереяси (3-чиқарилиши) иштирокчилари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкнинг «Янги йил совғаси» тиражли, пул-буом ютуқли лотереяси (3-чиқарилиши) ютуқлар тиражи **2018 йил 27 декабрь** кuni Жиззах шаҳрида «Жиззах вилояти мусикали драма театри» биносида очиқ тарзда ўтказилади.

Ўйин қатнашчилари ютуқлар тиражини бевосита залда кузатиш имкониятига эга.

Лотерея иштирокчиларига омад тилаймиз! Хизматлар лицензияланган.

Тадбиркорлар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси

қуйидаги объект қурилиши юзасидан пудрат ташкилотини аниқлаш учун энг яхши таклифлар танлови бўйича очиқ харидлар ўтказилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қароридан белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманидаги «Сайхунобод деҳқон бозори» МЧЖни реконструкция қилиш ва унинг ҳудудига бир қаватли минимал, ёрдамчи иншооти билан 50 ўринли енгил металл конструкциялардан тайёрланадиган йиғиш-ёйиш парвильонини ўз ичига олган IV типли замонавий савдо мажмуасини қуриш.

Харид ишларининг охириги қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда **3 282 413 241 сўм**, ҚҚСни ҳисобга олмаганда **2 735 344 368 сўм**ни ташкил қилади.

Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари. Қурилиш муддати: пудрат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб — **180 кун**. Буюртмачи: бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси. Манзил: **100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18**.

Савдода қатнашувчилар учун қуйидаги квалификацияловчи (таснифловчи) талаблар қўйилади: харид буюми қийматининг 20 фоиз ҳажми (656 482 648 сўм)даги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишларни амалга ошириш учун зарур ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, шартнома имзолаш учун фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколат, охириги уч йилда шу каби объектлар ва харид объектлари бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлиши керак.

Харид ҳужжатлари **exarid.uzex.uz** сайтыга жойлаштирилади. **ЛОТ: № 904145**. Харидларда иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси — бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекциясининг қуйидаги манзилига мурожаат қилиш лозим:

Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18, 71-233-83-27; электрон почта — **nbu.direksiya@mail.ru**.

Харид ташкилотчисига таклиф юборишнинг охириги муддати — **2018 йил 21 декабрь, соат 18.00**.

Таклифларни очиш **2018 йил 24 декабрь** кuni соат 11.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси маъсул ходим Ёрқин Жўраевич Мақсудовга опаси **Жўра Юнусович МАКСУДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий аxbopот агентлиги — ЎзА жамоаси Агентликнинг Андижон вилояти бўйича собиқ фотомухбири **Шухрат ОЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг ақинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QISHLOQQURILISHBANK

Moody's INVESTORS SERVICE

халқаро рейтинг агентлиги томонидан

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг рейтинглари тасдиқланди.

Рейтинглар истиқболи — «Барқарор».

Маълумот учун: 78-150-39-93, 78-150-93-39. www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва аxbopот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245, 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Телефонлар: 71-233-52-55; 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Абиллов. Навбатчи — Д. Улмуҳаммадов. Мусаяхҳот — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақуни — 02.50 Тошширилди — 03.15 1 3 4 5 6